

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Бог'от тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Бог'от тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Бог'от шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 498и

Бог'от шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Абдиқаримова Замира
Оллаёровнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Бог'от тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдиқаримова Замира Оллаёровнинг “Тўпчи” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 13 январдаги ХО-А-81-сонли аризасини, “Тўпчи” маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Бог'от туман филиалининг 2020 йил 13 январдаги № 101-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бог'от тумани “Тўпчи” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 135,1 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 35,88 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 170,98 квадрат метр, қурилиш ости майдони 240,0 квадрат метр, умумий ер майдони 881,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Абдиқаримова Замира Оллаёровнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Абдиқаримова Замира Оллаёровнага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Абдиқаримова Замира Оллаёровнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев